

*Shoista Muratova,
SamDTU Pedagogika-psixologiya kafedrasi dosenti, p.f.d.
SamDCHTI dotsenti, p.f.d. (DsC) A.Saidov taqrizi asosida*

PSYCHOLOGICAL PROBLEM OF PREPARING A BOY FOR FAMILY LIFE

Annotation

In this article, youth awareness and understanding of the family and a positive orientation towards the family are important factors in ensuring the integrity of marital relations. Based on this, we used the Uzbek version of the “Measurement of Leadership Orientation” method proposed by Rokeach in order to study the attitude of pubertal children to family education. This method is designed to determine a person's identity. The human cognitive system determines the content of the personality's orientation and forms the basis of the world, man, self, worldview, motivation for life, life concept and “philosophical life”.

Key words: Rokeach's technique, family, teenagers and teenage boys, terminal and instrumental values, divorce, parental relationships, love-love, reciprocal gaze, mood.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА ПОДГОТОВКИ МАЛЬЧИКА К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ

Аннотация

В данной статье осведомленность и понимание молодежи семьи и положительная ориентация на семью являются важными факторами обеспечения целостности брачно-семейных отношений. Исходя из этого, мы использовали узбекский вариант метода «Измерения направленности водительства», предложенный Рокичем, с целью изучения отношения детей пубертатного возраста к семейному воспитанию. Этот метод предназначен для определения личности человека. Когнитивная система человека определяет содержание направленности личности и составляет основу мира, человека, Я, мировоззрения, мотивации жизнедеятельности, жизненной концепции и «философской жизни».

Ключевые слова: методика Рокича, семья, подростки и мальчики-подростки, терминалные и инструментальные ценности, разводы, родительские отношения, любовь-любовь, ответный взгляд, настроение.

ЎГИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Аннотация

Уибу мақолада ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввур ва тушиунчалари ҳамда оиласа нисбатан қадрияллар йўналганлиги никоҳ-оила муносабатларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, оила қадриялларига ўсмирлик ёшидаги болаларнинг муносабатини ўрганиши мақсадида Рокич томонидан таклиф этилган “Қадрияллар йўналганлигини ўлчаши” методининг ўзбек тилига ўгирилган вариантидан фойдаландик. Мазкур методика шахснинг қадриялларини аниқлашига мўлжалланган. Қадриялларни билиш тизими шахснинг йўналганлиги мазмунини белгилайди ва уни ўраб турган дунёга, одамларга, ўзига, дунёқараши, ҳаётий фаоллиги мотивациясининг можияти, ҳаётий концепция ва “фалсафий ҳаёт” асосини ташкил этади.

Калим сўзлар: Рокич методикаси, оила, ўсмир ва ўспирин ўғил болалар, терминал ва инструементал қадрияллар, ажрашишлар, ота-она муносабатлари, севги-муҳаббат, респондентлар, ҳузур-ҳаловат.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, оила мустаҳакамлиги инсоннинг никоҳдан қониқиши, ўзаро муносабатлар соғломлиги, эр хотининг бир-бирларини тушуниши, қадриятлар ориентацияси, дунёқарааш ва психологик мослик, никоҳга маънавий-психологик жиҳатдан тайёрлик каби омилларга боғлиқ бўлади. Аксинча ҳолатларда эса, оилавий ҳаётда инсониятнинг ижтимоий ва маънавий тараққиёти учун зид бўлган ҳолатлар: туғилишнинг камайиши, ажралишлар сонининг кўпайиши, ажралишлар салбий оқибатининг кишилар ҳаётига таъсирчанлигини ортиб бориши, никоҳсиз оиласарнинг кўпайиши ва бошқа қатор салбий ҳодисалар юз бера бошлайди.

Маълумки, фарзанд тарбиясининг дастлабки босқичидаёқ ўсмирларни келажакдаги мустақил ҳаётда ўзини-ўзи бошқара оладиган, ўз даврининг муносиб кишиси бўлиб етишиши учун ота-она ва ўқитувчилар масъулдир. Ота – фарзанд тарбиясида масъулиятнинг биринчи навбатида туради. Бола то балоғатга етгунча ўша масъул ҳимоясида бўлади. Агар бола ақлан заиф ёки жисмонан ҳимояга муҳтож бўлса, у ҳолда балоғат ёшига етганда ҳам масъул кўл остида бўлади. Иккинчи босқич фарзанд ҳаётида унинг келажаги учун энг муҳим, келажакда ким бўлишини белгилайдиган босқичдир. Чунки бу босқич фарзанд учун илм, хунарга эга бўладидиган, жамият учун фойда келтирадиган, жамиятнинг бир аъзоси сифатида камол топадиган даврdir. Ҳақиқатан ҳам биринчи босқични амалга оширмасдан, иккинчи босқичга ўтиш мумкин эмас. Шундай экан, ўсмир ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашда отанинг вазифаси катта аҳамиятга эга. Отанинг оиладаги мавқеи – фарзандлар учун, айниқса, ўғил болалар учун жасорат сабоги. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда баъзи ўғил болалар, айниқса, қишлоқ жойларда ўзининг қобилиятини намоён қилишга тортиночоқлик қиласди.

Бундан шу нарса аён бўладики, аёлларга хос тортиночоқлик, итоаткорлик, уятчанлик каби хислатлар ўғил болаларда ҳам шакллана боради. Айниқса, юқорида айтиб ўтилганидек, ўғил болада тортиночоқлик устун бўлади. Уларда эркак кишидаги жасурлик, ботирлик, қаттиққўллик, чидамлилик ва эпчиллик етишмайди.

1. Ўғил болаларнинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги қадриятларни ўрганиш натижалари

Ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввур ва тушунчалари ҳамда оиласа нисбатан қадриятлар йўналганлиги никоҳ-оила муносабатларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, оила қадриятларига ўсмирлик ёшидаги болаларнинг муносабатини ўрганиш мақсадида Рокич томонидан тақлиф этилган ‘‘Қадриятлар йўналганлигини ўлчаш’’ методининг ўзбек тилига ўгирилган вариантидан фойдаландик. Мазкур методика шахснинг қадриятларини аниқлашга мўлжалланган.

Қадриятларни билиш тизими шахснинг йўналганлиги мазмунини белгилайди ва уни ўраб турган дунёга, одамларга, ўзига, дунёкараши, ҳаётий фаоллиги мотивациясининг моҳияти, ҳаётий концепция ва “фалсафий ҳаёт” асосини ташкил этади.

Хозирги кунда М.Рокичнинг қадриятларни билиш методикаси қадриятлар рўйхатини аҳамиятлигига асосланган ва кўп тарқалган методика ҳисобланади.

М.Рокич қадриятларни икки гурухга ажратади:

- терминал қадриятлар – индивидуал мавжудликка интилиш якуний мақсад эканлигига ишонч;

- инструментал қадриятлар – қандайdir ҳаракат ёки шахс хислати ҳар қандай вазиятда муҳимлигини афзаллигига ишониш (Қадриятлар қатори иловада келтирилган).

Тадқиқотимизда Тошкент шахри ва Самарқанд вилоятининг Иштихон, Пастдарғом, Пайариқ, Жомбой туманларидан 360 нафар синалувчи қатнашди. Шундан 210 нафари ўсмирлик ёшидаги, 150 нафари эса ўспиринлик ёшидаги йигитлардир.

Ушбу методика ўз ичига олган қадриятларга муносабатларини билдириш учун танловда иштирок этган синалувчиларга тақдим этилди ва ҳар бир қадриятнинг улар учун қанчалик қадрлилиги нуқтаи назаридан баҳолаб бериш вазифаси кўйилди.

Тадқиқотимизнинг олдига кўйилган мақсади кенг қамровли эканлигидан келиб чиқиб, биз методиканинг қадриятлар қаторини танлаб олдик ва методика муаллифи ишлатган қайта ишлов услубидан бир оз бошқароқ усулда фойдаландик. Чунки бизни қизиқтирган асосий масала – таклиф этилган қадриятларнинг қайсилари биз танлаган респондентлар учун энг қадрли ва аҳамиятли эканлигини билишдан иборат эди. Маълумотларни қайта ишлаш жараённида биз қўйидаги тамойилга амал қилдик, яъни йигитлар рейтинг тизимида белгилаб чиқсан ҳар бир қадриятлар йўналишидаги (инструментал, терминал) 16та қадриятлар орасида энг кўп марта баҳоланган қадрият - сифатларини ажратиб олдик. Яъни аҳамиятлилик бўйича ўнликка кирган сифатларни биз энг эътиборли тарзда белгиладик ва уларнинг орасида энг қадрлисини аниқлаб, шу асосда ёшларнинг ҳаётий ижтимоий тасаввурларини ўргандик.

Олинган натижаларга кўра, юқорида белгиланган ўнталик рейтинги қаторига кирганларни мос равища шу ўринда неча киши белгилаганига эътибор қаратдик ва шу рақамларни санаб чиқиб, танловда қатнашганлар умумий сонини максимал сон бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ўша рақамга бўлдик. Масалан, “Бахти оиласи ҳаёт” қадрияти 210 нафар ўсмирлик ёшидаги йигитлар жавобида “1” рақами билан энг қадрли сифатлар тарзида биринчи ўринда баҳоланган бўлса, неча киши шу тарзда баҳолаганини 210 га, яъни назарий жиҳатдан қабул қилинган сонга бўлдик.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, агар ушбу танловда 210 нафар ўсмир йигитлар “Бахти оиласи ҳаёт” қадрияти рўпарасига “1” рақамини қўйган

бўлса, оддий коэффициент чиқариш формуласидан фойдаланиб, 74 ни 210 га бўлиб, 100га кўпайтирдик ва 35,2 коэффициентига эга бўлдик. Шу тарзда барча гурухларнинг маълумотларини қайта ишлаб, танланган ҳар бир гуруҳ учун энг аҳамиятли бўлган ва келажагини шу қадриятлар билан тасаввур қилишлари бўйича жавобларга эга бўлдик.

Ўсмирлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал қадриятларни баҳолаш натижаларига кўра, “фаол қизғин ҳаёт” (19,5), “баҳтли оилавий ҳаёт” (18,1), “муҳаббат” (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик) (15,7) қадриятлари юқори кўрсатгичларни ифодалайди. Бу шундан далолат берадики, ўсмирлик ёшидаги респондентлар ўз келажак оилавий ҳаётларидан фаол ва қизғин, баҳтли оилаий ҳаёт ва севги муҳаббат асосидаги ҳаётни орзу қиласидилар. Аммо уларда “фикрлаш ва хulosса чиқаришдаги мустақиллик” (5,2), “кўпчилик томонидан тан олиниш” (9,5), “соғлик” (жисмонан ва руҳий) (11,4) қадриятлари бўйича паст натижаларнинг намоён бўлиши келгуси оилавий ҳаётлари ҳақида ишончсизлик ва иккиланишлар мавжудлигига ишора қиласиди. Чунки, фаол ва қизғин, баҳтли оилавий ҳаётни таъминлаш учун йигитларда фикрлаш ва хulosса чиқаришдаги мустақиллик, баҳтли оилавий ҳаётнинг кўпчилик томонидан тан олиниши, эътироф этилиши қадриятига нисбатан етарлича тушунча ва тасаввурлар талаб этилади. Шу жиҳатдан, бу ёшдаги респондентларда оилани бошқариш, оилавий муносабатларда эркакнинг ўрни, вазиятли ҳолатларда қарорлар қабул қилиш бўйича тушунча ва малакаларни шакллантириш тадбирларини олиб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланди.

Ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал қадриятларни баҳолаш натижалари бўйича эса, “баҳтли оилавий ҳаёт” (18,7), “кўпчилик томонидан тан олиниш” (хурмат қозониш) (16,7), “фаол қизғин ҳаёт” (14,8), “муҳаббат” (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик) (13,8) қадриятлари юқори кўрсатгичларни намоён қиласиди. Мазкур ёш давридаги респондентларда қадриятларнинг бундай баҳоланиши ёш ўлғайиб бориши билан оилавий ҳаётга нисбатан қарашлар, тушунчалар кенгайиб бориши ҳолати билан изоҳланиши мумкин. Респондентларда “хузур-ҳаловат” (вақтичоғлик, айш-ишрат) (5,2), “ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик” (7,4) қадриятлари паст даражада ифодаланган (2.1.1-жадвал). Бу респондентларда оилавий ҳаёт фақат хузур-ҳаловат, вақтичоғлик, айш-ишратдан иборат эмаслиги, оила қургандан кейин ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик пасайиши тўғрисидаги қарашлар мавжудлигидан далолат беради.

1.1-жадвал


Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал қадриятларни баҳолаш натижалари (N= 360)

№	Терминал қадриятлар	Ўсмирлик ёшидаги йигитлар N= 210)		Ўспиринлик ёшидаги йигитлар (N= 150)	
		Абс.	коэф.	Абс.	коэф.
1.	Фикрлаш ва хulosса чиқаришдаги мустақиллик	11	5,2	19	12,7
2.	Соғлик (жисмонан ва рухий)	24	11,4	17	11,4
3.	Хузур-ҳаловат (вақтичөглик, айшишрат)	15	7,1	8	5,2
4.	Мұхаббат (севган киши билан маңнавий ва жисмоний яқынлик)	33	15,7	20	13,3
5.	Ҳаракат ва фаолиятдаги әркинлик	28	13,3	11	7,4
6.	Күпчилик томонидан тан олиниш (хурмат қозониш)	20	9,5	25	18,7
7.	Фаол қизғин ҳаёт	41	19,5	22	14,8
8.	Бахтли оилавий ҳаёт	38	18,1	28	16,7

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёши давридаги респондентларда терминал қадриятлар ифодаланишининг қиёсий таҳлилига кўра, ўсмирлик ёшидаги ўғил болаларда “фаол қизғин ҳаёт” (19,5), “бахтли оилавий ҳаёт” (18,1) қадриятлари юқори баҳоланган бўлса, ўспиринлик ёши даврида эса “кўпчилик томонидан тан олиниш” (хурмат қозониш) (16,7), “бахтли оилавий ҳаёт” (16,7) қадриятлари юқори даражаларни кўрсатган. Ушбу ҳолатни психологик таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, юқорида таъкидланганидек, ўсмирлик ёшидаги “фикрлаш ва хulosса чиқаришдаги мустақиллик” (5,2), “кўпчилик томонидан тан олиниш” (9,5) қадриятлари ўспиринлик ёши даврида фарқланишларни намоён этмоқда. Хусусан, ўспиринларда “кўпчилик томонидан тан олиниш” (хурмат қозониш) (16,7), “бахтли оилавий ҳаёт” (16,7), “фикрлаш ва хulosса чиқаришдаги мустақиллик” (12,7) қадриятларининг бир мунча юқори баҳоланганигини кузатишимииз мукин. Ушбулардан шундай хulosса қилиш мумкинки, оилавий ҳаёт тўғрисидаги қадриятларнинг ифодаланиши инсоннинг ёши, ҳаётий тажрибаси ортиб бориши билан такомиллашиб борар экан. Аммо, ёш ёки турмуш тажрибасининг ортиб бориши айримларда оилавий қадриятларга нисбатан муносабат ўзгармасдан қолиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим бўлади. Демак, ёш даври ёки оилавий ҳаёт тажрибасига эга бўлиш ҳар доим ҳам бахтли оилавий ҳаёт ва оила мустаҳкамлигини таъминлашда аҳамият касб этмас экан.

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг терминал қадриятларни баҳолаш натижалари 2.1. 1-расмда диаграмма кўринишида тасвирланган.

ЎСМИРЛИК ВА ЎСПИРИНЛИК ЁШИДАГИ ЎҒИЛ БОЛАЛАРНИНГ ТЕРМИНАЛ ҚАДРИЯТЛАРНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ (N= 360)



Шундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, ёшларни, айниқса, ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муҳим ижтимоий-психологик муаммолардан бири сифатида илмий тадқиқ қилиниши ҳар жиҳатдан мақсадда мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаги муроҳазаларимизни ўсмирилк ва ўспиринлик ёшидаги йигитларда терминал қадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди.

Эмпирик натижаларнинг умумий кўрсаткичлар бўйича таҳлилига мувофиқ уларнинг ўзаро ички муносабатларини К.Пирсоннинг корреляцион таҳлил усули орқали ўрганишга ҳаракат қилдик. Натижада оилавий қадриятларнинг оилавий ҳаётга тайёрлашдаги ўрнини ўрганиш учун кўлланилган методикалар кўрсаткичлари бўйича корреляцион таҳлилни амалга оширидик. Кўрсаткичлар таҳлили қуйидаги муҳокамалар предмети ҳисобланади.

Ўсмирилк ёшидаги ўғил болаларнинг терминал қадриятларни баҳолаш натижаларига кўра, ўсмирилк ёшидаги ўғил болаларнинг қадриятларни баҳолаш кўрсаткичлари билан оилавий ҳаётга тайёрлик даражасидаги хусусиятлар ўртасидаги интеркорреляциядаги коэффициентлар қуйидаги муносабатни акс эттириди. Ўсмирларда “фаол қизғин ҳаёт” қадриятининг “муҳаббат” (севган киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик) ($r=0,420$, $p\leq 0,01$), “фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик” ($r=0,306$, $p\leq 0,01$) ва “соғлик” (жисмонан ва рухий) ($r=0,499$, $p\leq 0,01$) ҳолат қадриятининг ўйғунлиги кузатилмоқда. Бироқ айрим ўринларда ўсмирларда оилавий ҳаёт хузур-жаловат (вактичоғлик, айш-ишрат)дан иборат деган қадриятлар ифодаланади ($r=-0,285$, $p\leq 0,01$). (2.1.2-жадвал) Шунга кўра, оилавий қадриятларни шакллантиришда ушбу ҳолатларни инобатга олиш муҳим.

Инструментал қадриятлар баҳоланишига кўра, ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларнинг қадриятларни баҳолаш кўрсаткичлари билан оилавий ҳаётга тайёрлик даражасидаги хусусиятлар ўртасидаги интеркорреляциядаги коэффициентлар қуйидаги муносабатни акс эттириди.

1.2-жадвал

Ўсмирлик ёшидаги йигитларда терминал қадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция кўрсаткичлари

№	Терминал қадриятлар	1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Фаол қизғин ҳаёт	1	0,148	0,420**	0,306**	0,499**	0,487**	0,485**	-0,217**
2.	Бахтли оиласвий ҳаёт		1	-0,185	0,285	0,327**	-0,296**	0,446**	0,487**
3.	Мұхаббат (севған киши билан маънавий ва жисмоний яқынлик)			1	0,408**	0,430**	0,488**	0,464**	0,486**
4.	Фикрлаш ва хулоса чиқариш-даги мустақиллик				1	0,344**	0,330**	0,869**	0,839**
5.	Соғлик (жисмонан ва руҳий)					1	0,813**	0,721**	0,754**
6.	Хузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айшиш-ишрат)						1	-0,235**	-0,408**
7.	Ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик							1	-0,273**
8.	Кўпчилик томонидан тан олиниш (хурмат қозониш)								1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

Ўсмирларда “тарбияланганлилик” (хушхулқлик, одобилик) қадриятининг “ҳаётдан завқланиш” (юмор ҳисси) ($r=0,317, p \leq 0,01$), “маъсулият” (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиши) ($r=0,406, p \leq 0,05$) ва “маълумотлилик” (кенг билимлиликда юксак маданий даража) ($r=0,512, p \leq 0,05$) қадриятлари юқори кўрсатгичларни намоён қилди. Шу билан бир қаторда айрим ҳолатларда ўспринларда оиласвий муносабатларда “ўзига катта талаблар қўйиши” ($r=-0,093, p \leq 0,01$), “масалага ҳар томонлама қарай олиш” (бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуна олиш, ўзгача дид, одатларни хурмат қилиш) қадриятлари ($r=-0,143, p \leq 0,01$), “маъсулият” (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиши) қадриятининг “рационализм” (оқил ва мантикий фикрлаш, яхшилаб ўйлаб қарор қабул қилиш) ($r=-0,143, p \leq 0,01$) таъкиди манфий муносабатларни ифодалади. Ушбулардан келиб чиқиб, қайд этиш мумкинки, оила ва оиласвий муносабатларга ҳар томонлама қарашиб орқали ёндашиш талаб этишлигини унутмаслик лозим.

Ўспиринлик ёши давридаги йигитларда “бахтли оилавий ҳаёт”ни таъминлашдаги қадриятлар ўрнининг ўзига хослиги эса “фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик” ($r=-0,285$, $p\leq 0,01$) ва “хузур-ҳаловат” (вақтичоғлик, айш-ишрат) ($r=-0,296$, $p\leq 0,01$), “кўпчилик томонидан тан олиниш” (хурмат қозониш) ($r=-0,268$, $p\leq 0,01$)ни ифодалаши борасида номувофиқликка сабаб бўлиши мумкин экан (2.1.3-жадвал).

1.3-жадвал

Ўспиринлик ёшидаги йигитларда терминал қадриятларни баҳолаш натижаларининг корреляция қўрсаткичлари

№	Терминал қадриятлар	1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Фаол қизғин ҳаёт	1	0,233	0,310**	0,305*	0,476**	0,426**	0,449**	-0,214**
2.	Бахтли оилавий ҳаёт		1	0,391	0,285	0,331**	-0,296**	0,432**	-0,268**
3.	Мұхабbat (сев-ған киши билан маънавий ва жисмоний яқинлик)			1	0,418**	0,421**	0,476**	0,454**	0,466**
4.	Фикрлаш ва хулоса чиқаришдаги мустақиллик				1	0,321**	0,325**	0,869**	0,839**
5.	Софлик (жисмонан ва руҳий)					1	0,783**	0,731**	0,768**
6.	Хузур-ҳаловат (вақтичоғлик, айш-ишрат)						1	-0,225**	-0,411**
7.	Ҳаракат ва фаолиятдаги эркинлик							1	-0,261**
8.	Кўпчилик томонидан тан олиниш (хурмат қозониш)								1

Изоҳ: * $p\leq 0,05$; ** $p\leq 0,01$

Тадқиқотимизда йигитларда инструментал қадриятларнинг оилавий ҳаётга тайёрлик даражасини ифодалашдаги ўрнини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Инструментал қадриятларни баҳолаш натижаларига кўра, “тарбияланганлилик” (хушхулқлик, одобилик) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 17,1 ва 9,3), “ҳаётдан завқланиш” (юмор ҳисси) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 16,2 ва 8,7), “маъсулият” (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиши) (мос равишда ўсмир ва ўспиринларда – 14,2 ва 12,0),

“маълумотлилик” (кенг билимлиликда юксак маданий даража) (мос равища ўсмир ва ўспиринларда – 13,8 ва 13,3) каби қадриятлар юқори рейтингларда қайд этилган. Лекин уларнинг гуруҳ доирасидаги қайтарилишидаги фикрлар уйғунлиги ўсмир ва ўспиринларнинг фикрлари уйғунлигидан ва яқинлигидан дарак беради. Масалан, “масъулият” (бурч ҳисси, ваъданинг устидан чиқиш) қадриятига эътибор берадиган бўлсак, ўсмирлар 1-ўринга (14,3), ўспиринларнинг аксарияти бу қадриятни 3-чи (12,0) ўринга қўйиб, танлашда фикрлар бирлигини кўрсатган бўлса, ўсмирлар учун бу қадриятдан афзалроқлари мавжуд ва бу қадриятга муносабат билдиришда уларнинг фикрида яқдиллик унчалик кўринмайди. Жумладан, “тарбияланганлилик” (хушхулқлик, одоблилик) қадрияти ўсмирларда - 17,1 га, ўспиринларда эса 9,3га, “ҳаётдан завқланиш” (юмор ҳисси) ўсмирларда – 16,2 ва ўспиринларда - 8,7га тенг бўлган (2.1.4-жадвал). Бундай ҳолатни психологик жиҳатдан таҳлил қиласидиган бўлсак, ўсмирлик ёшидаги йигитларда ўзлари тарбияланиш жараёнида бўлганликлари туфайли бу қадриятни юқорироқ баҳолаган деган хulosани беради. Ўспиринларда бу қадриятнинг нисбатан пастроқ белгиланиши уларнинг олдида оилавий ҳаётга тайёрланишда тарбиядан кўра муҳимроқ, яъни оилани моддий жиҳатдан таъминлаш вазифаси, оила олдидаги масъулиятни ҳис қилиш, илмли, маданиятли турмуш ўртоқ танлаш, касбий фаолият сирларини пухта эгаллаш, жамиятда ўз ўринларини эгаллашга нисбатан интилиш каби қадриятлар турганлиги билан изоҳлаш мумкин.

ADABIYOTLAR

1. Abramova.G.S. Vozrastnaya psixologiya: Uchebnoye posobiye dlya studentov vuzov.-M., “Izd-vo” 2001.- 621s
2. Vozrastnaya psixologiya: ot molodosti do starosti: Uchebnoye posobiye dlya studentov i prepodavateley ucheb.zaved M.V.Gamezo, V.S. Gerasimova, G.G.Gorelova, L.I.Orlova.M.,1999.-269s.
3. Gamezo A. «Atlas po psixologii». Moskva, Piter, 2001.
4. G‘oziyev E. G‘. Umumiy psixologiya. 1-2 том. T., Fan, 2002.
5. G‘oziyev E.G‘ Jabborov A. Faoliyat va hulq-atvor motivasiyasi T-2003y
6. G‘oziyev E.G‘.Ontogenez psixologiyasi.-T.: Noshir. 2010.
7. Davletshin M. G. Umumiy psixologiya. T., TDPU, 2002.
8. Davletshin M.G., Do‘stmuammedova Sh.A., Mavlono M.M,To‘uchiyeva S.M., «Yosh va pedagogik psixologiya». T. TDPU, 2004 .
9. Do‘stmuammedova Sh.A., Z.T.Nishonova, S.X.Jalilova, Sh.T.Karimova, Sh.T.Alimbayeva Yosh davrlari va pedagogik psixologiya Toshkent Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi. 2013.
10. Zimnyaya.I.A Pedagogicheskaya psixologiya: Uchebnik dlya vuzov. –M., “Izd-vo” 2002.- 384s
11. Ivanov I., Zufarova M. Umumiy psixologiya. z.FMJ., 2008.

12. G‘.B.Shoumarov, I.O.Haydarov “Oila psixologiyasi” o‘quv qo‘l. Akademik lisey va kasb-hunar kollejlari o‘quvchilari uchun. 2008 y. “Sharq” nashriyoti. 294 b.
13. Muratova Sh.N. O‘s米尔 yoshdagi o‘g‘il bolalarni oilaviy hayotga tayyorlashning ijtimiliy jihatlari. O‘zMU xabarlari, {1/2/1}ISSN: 2181-7324, 2020, 6-son, - B. 91-95, [19.00.00 №10]
14. Muratova Sh.N. O‘g‘il bolalarni oilaviy hayotga tayyorlash muammosining ilmiy-nazariy asoslari va uning o‘rganilganlik holati. O‘zMU xabarlari, {1/2/1}ISSN: 2181-7324, 9-son, - B. 82-86, [19.00.00 №10]
15. Muratova Sh.N. Otaning farzandlar tarbiyasidagi o‘rni. Ta’lim, fan va innovasiya, ilmiy axborotnoma. 2022, 5-son, - B. 82-86, [19.00.00 №10]
16. O‘g‘il bolalarni oilaviy hayotga tayyorlashning ijtimoiy-psixologik jihatlari. SamDU ilmiy axborotnoma. ISSN: 2091-54-46, 2020, 6-son (124), - B. 100-105. [19.00.00 №10]
17. Muratova Sh.N. Nikoh oldi omillarining yigitlarni oilaviy hayotga tayyorlashdagi ijtimoiy-psixologik imkoniyatlari. BuxDU psixolo-giya ilmiy jurnal. ISSN 2181-5291, 2021, 3-son, - B. 84-90. [19.00.00 №10]
18. Muratova Sh.N. Oilada o‘g‘il bolalarni pedagogik va psixologik tarbiyasida nazariy qarashlar tahlili. NamDU ilmiy axborotnomasi. ISBN: 2181, 2019, 6-con, - B. 409-415, [19.00.00 №10]
19. Muratova Sh.N. Problems of youth for family life. // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, /ISSN: 1475-7192, Volume 24, № 10, 2020, <https://www.psychosocial.com/> p. 282-291.
20. Muratova Sh.N. The place of the psychological environment in the family to increase student activity in the educational process. //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) ISSN: 2278-4853 Impact Factor: SJIF 2020/882 "RESEARCH INVESTIGATIONS OF GLOBAL WORLD ON PANDEMIC TIME" MAY 2020, DOI NUMBER: 10.5958/2278-4853, ISSN: 2278-4853, Volume 9, № 5, Ma, 2020, <https://www.tarj.in>. p. 8 -11.
21. Muratova Sh.N. MARRIAGE AGE AND NEGATIVE CONSEQUENCES OF EARLY MARRIAGE. // European Scholar Journal (ESJ). Available Online at, ISSN: 2660-5562, Volume 2, № 3, March, 2021, <https://scholarzest.com> /p. 27-30.
22. Muratova Sh.N. Socio-Psychological Issues of Preparing Young Men for Family Life. International Conference on Applied Sciences, Conference is organized in the London, United Kingdom on 24-25th. 2021, September <http://papers.onlineconferences.com>. p.83-85.